

АҚШ президентиға тегишли тарихий Қуръон нусхаси тақдим этилди



17:48 / 11.10.2021 1886

АҚШ президенти Томас Жефферсонға тегишли Қуръоннинг тарихий нусхаси «Ехро 2020 Dubai» кўргазмасидаги Америка павилонида намоиш этилди.

Бу кўргазмада «Ҳаёт, эркинлик ва келажакка интилиш» мавзуси #USAP стендида тақдим этилди, деб маълумот беради Америка павилонининг ижтимоий тармоқлардаги расмий akkaунтида.

Жефферсон Қўшма Штатларнинг учинчи президенти бўлиб, мустақиллик декларациясининг асосий муаллифи сифатида тан олинган.

Тадбирда 1734 йилда чоп этилган икки жилдли Қуръони Карим нусхаси, шунингдек, рамкали Макка хариталари, Конгресс кутубхонасида махсус тайёрланган тўрт дюймли ёғоч қути ва алоҳида товоқлар совға қилинди.

Хавфсизлик ходимлари Дубайда бўлиб ўтган бутун дунё тадбирида тарихий экспонатларни кузатиб боришди.